

**ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ИЧКИ
ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10658982>

Саттарова Гулираъно Обид қизи

*Навоий вилояти Кармана тумани ИИБ ЖХХ ҳЛБ
вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог лейтенант*

Калит сўзлар: ижтимоий профилактика субъектлари, ҳуқуқ-тартибот маскани, ҳуқуқбузарлик, таълим, тарбия, қонунчилик, инсон шаъни ва қадри, одоб-ахлоқ нормалари.

Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактикани амалга ошириш бўйича йўриқнома ҳамда жиноятларнинг омилларини илмий диагноз асосида аниқлаш методикаси амалга оширилмоқда. “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактикани амалга ошириш бўйича йўриқномага мувофиқ маҳаллаларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ички ишлар органи таянч пункти (ҳуқуқ-тартибот маскани) профилактика (кatta) инспектори, маҳалла раиси, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси, маҳалладаги хотин-қизлар фаоли ва маҳалладаги ёшлар етакчисининг ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ҳуқуқбузарлиқдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ижтимоий профилактика чораларини қўллаш юзасидан манзилли ишлар ташкил қилинди. Шу билан бирга, йўриқномада ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ҳуқуқбузарлиқдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг тоифалари белгиланиб, улар билан ишлашда маҳалла миқёсида профилактика инспектори томонидан маҳалла раисининг умумий бошқаруви остида амалга ошириладиган ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчисининг фаолиятини ташкил этиш тартибини амалиётга татбиқ этиш белгиланмоқда. Жиноятларнинг омилларини илмий диагноз асосида аниқлаш методикаси орқали жиноятларнинг омиллари, уларни аниқлаш ва илмий диагноз асосида аниқлаш тартиби ҳамда жиноятларнинг омилларини илмий диагноз асосида аниқлайдиган илмий ташкилотлар белгиланди.

Аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича "маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла" тамойили асосида самарали ҳамкорлик тизимини жорий этиш, маҳаллани халқ билан давлат ўртасида ишончли "кўприк" бўлишини амалда таъминлаш, оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, фуқаролар йиғинларига хос бўлмаган функциялар юклатилаётганлиги, уларнинг бошқа қуёйи идоралар билан ҳамкорлиги тизимли йўлга

қўйилмаганилиги, оила, хотин-қизлар ва кексаларга ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими мавжуд эмаслиги, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар самарали натижа бермаётганлиги жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва қонун устуворлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нуронийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқенини янада мустаҳкамлаш мақсадида юртбошимиз томонидан бир қанча топшириқлар берилди ва бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди, шунингдек, давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шароит яратади, қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларни амалга оширишда уларга кўмаклашади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгashi, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси ва маҳаллалар фаолларининг ҳар бир маҳаллада "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилига асосланган йўналишларни назарда тутувчи янги тизимни жорий этиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилди.

Жамиятда "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишига ҳар томонлама кўмаклашилди, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, "Соғлом оила — соғлом жамият" ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмаклашиш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилди.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари таъминлади, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтоҷ бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш чоратадбирлари йўлга қўйилди, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни

оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида күмаклашилди.

Бундан ташқари ҳар бир маҳаллада унинг криминоген вазияти ва аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда камида бир нафардан профилактика инспектори хизматни олиб бориши белгиланди. Бунда, янги маҳаллалар ташкил этилганда киритиладиган штат бирликлари сони Ички ишлар вазирлиги томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади ҳамда республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланди.